

ФАРҒОНА ВИЛОЯТ СУДИ ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА  
СУДЛОВ ҲАЙЪАТИ ТАФТИШ ИНСТАНЦИЯСИНИНГ  
АЖРИМИ

2024 йил 5 сентябрь куни, Фарғона вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг тафтиш инстанцияси ўз биносида, очиқ суд мажлисида, раислик қилувчи: В.Сиддиков, ҳайъат судьялари: Ш.Каримов ва Б.Хайдаровдан иборат таркибда, Х.Исмоналиевнинг котиблигида, тарафлардан вилоят прокуратураси бўлим прокурори Ғ.Рўзиев, ҳимоячи А.Очилов, жабрланувчи Б.Ахмадбеков ва унинг вакили П.Умирзақовларнинг иштирокида, Н.Мга оид жиноят ишини ҳимоячи А.Очилов ва жабрланувчи Б.Ахмадбековларнинг тафтиш шикоят асосида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Жиноят ишлари бўйича Сўх туман судининг 2023 йил 15 декабрдаги ҳукмига кўра:



Ўзбекистон Республикаси ЖК 105-моддасининг 1-қисми билан иш ҳақининг 15 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 1 йил 6 ой ахлоқ тузатиш ишлари жазосига судланган.

Фарғона вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг 2024 йил 13 апрелдаги ажрими билан суд ҳукми бекор қилиниб, Н.М ЖК 105-моддасининг 1-қисми билан 1 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган.

Н.Мдан жабрланувчи Б.Ахмадбековга 34.971.000 сўм моддий зарар ундирилиши белгиланиб, Б.Ахмадбековга иш бўйича маънавий зарарни ундириш масаласида асослантирувчи ҳужжатларни тақдим қилган ҳолда фуқаролик судига мурожаат қилиш ҳуқуқи тушунтирилган.

Суднинг ҳукмига кўра, Н.М 2023 йил 12 июль куни соат 21 да Қўштепа тумани, “Шомирза” МФЙ ҳудудида Б.Ахмадбеков билан опаси Ё.Мирзажоновга телефон қилгани бўйича ўзаро жанжаллашиб, Б.Ахмадбековнинг юзи ва танасининг турли қисmlарига уриб-тепиб, қасддан баданига ўртача оғир шикаст етказганликда айбли деб топилган.



Жабрланувчи Б.Ахмадбеков тафтиш шикоятда, уни Н.М, Ш.Мирзажонов ва Ҳ.Мирзажоновлар уришиб, кўз ортиба суяги синиши шаклидаги оғир шикаст етказишгани сабабли ҳукми бекор қилишни сўраган.

Ҳимоячи А.Очилов шикоятда, Н.Мга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинлашни сўраган.

Судланган Н.М эътирозномасида, ҳимоячининг шикоятига эътирози йўқлигини, жабрланувчи Б.Ахмадбеков эътирозномасида, ҳимоячининг шикоятига эътироз билдириб, Н.Мга оғир жазо тайинлашни сўраган.

Судлов ҳайъати, иш бўйича вилоят суди судьяси Б.Хайдаровнинг маърузасини, прокурор Ғ.Рўзиевнинг суд ҳукмини ўзгаришсиз қолдириш, ҳимоячи А.Очилов, жабрланувчи Б.Ахмадбеков ва унинг вакили П.Умирзақовларнинг ўзларининг шикоятларини қаноатлантириш ҳақидаги фикрларини тинглаб, иш материалларини таҳлил қилиб, қуйидаги асосларга кўра суд ҳукмини ўзгаришсиз қолдиришни лозим топди.

Суд ҳукмида, содир этилган жиноят тафсилотлари тўғри аниқланиб, судланган Н.Мнинг эълон қилинган айбловга муносабати ёритилиб, ўзини ҳимоя қилиш учун келтирган важларига баҳо берилиб, асосли равишда рад этилган ва судда текширилган далиллар - судланувчини ҳам фош қиладиган, ҳам оқлайдиган, шунингдек унинг жавобгарлигини ҳам енгиллаштирадиган, ҳам оғирлаштирадиган ҳолатларни аниқланиш учун етарли деб ҳисобланиб, унинг юқорида қайд этилган жиноятни содир этганлиги судда айбига иқрорлик билдириб берган кўрсатувидан ташқари, жабрланувчи Б.Ахмадалиев, гувоҳлар Ш.Мирзажонов, Ҳ.Мирзажонов, Р.Тожибоев, Э.Ғофуров ва А.Махмудзоданинг кўрсатувлари, суд-тиббий экспертизасининг 2023 йил 12 июлдаги 2369-сонли хулосаси, юзлаштириш баённомалари, шунингдек иш ҳужжатларидаги бошқа далиллар йиғиндиси билан тасдиқланганлиги тўғрисида асосли хулосага келиниб, унинг ҳаракати ЖК 105-моддасининг 1-қисми билан тўғри квалификация қилинган.

Жабрланувчи Б.Ахмадбеков тафтиш шикоятда, уни Н.М, Ш.Мирзажонов ва Ҳ.Мирзажоновлар уришгани боис, уларнинг ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо беришни сўраса-да, унинг бу важлари қуйидаги далиллар билан рад қилинади.

Апелляция инстанцияси судининг 2024 йил 20 февралдаги ажрими билан, унинг ушбу важларига баҳо бериш мақсадида жиноят иши ЖПКнинг 416-417-моддаларига асосан айблов хулосасини тасдиқлаган прокурорга юборилган.

Мазкур ажрим ижроси юзасидан тергов ҳаракатлари олиб борилиб, Қўштепа тумани ИИБ ТБ терговчиси Б.Адхамовнинг 2024 йил 2 апрелдаги қарори билан Ш.Мирзажонов, Ҳ.Мирзажонов ва Р.Тожибоевларнинг ҳаракатларида жиноят аломатлари йўқлиги сабабли ишнинг уларга оид қисми ЖПКнинг 83-моддасига асосан тугатилган.

Бундан ташқари, судланган Н.М, воқеа куни Б.Ахмадбековнинг юзи ва танасининг турли қисмларига уриб-тепгани, жанжалга бошқа ҳеч ким аралашмагани, Б.Ахмадбековни ўзидан бошқа ҳеч ким урмагани ҳақида;

гувоҳ А.Юсупов, Б.Ахмадбеков қўшниси экани, воқеа куни бақир-чақир овозини эшитиб кўчага чиққанида, Б.Ахмадбековни Н.М ураётганини кўргани,



жанжал пайтида “Рўзиохун”, “Шукурулло” ва “Ахрор” исмли йигитлар ҳам бўлгани, бироқ Б.Ахмадбековни Н.Мдан бошқа ҳеч ким урмагани ҳақида;

гувоҳ Ш.Мирзажонов, Н.М қайноғаси экани, воқеа куни Б.Ахмадбековни уйига борганида, Б.Ахмадбековни Н.М ураётганини кўргани, бориб уларни ажратгани, жанжал пайтида “Рўзиохун”, укаси “Шукурулло” ва Б.Ахмадбековни 2 нафар қўшниси бўлгани, Б.Ахмадбековни Н.Мдан бошқа ҳеч ким урмагани ҳақида кўрсатув беришган.

Қайд этилганларга кўра, тафтиш судлов ҳайъати жабрланувчи Б.Ахмадбековнинг юқоридаги важларини ишончга сазовор бўлмаган важлар деб уларни танқидий баҳолашни лозим топади.

Бундан ташқари, жабрланувчи Б.Ахмадбеков шикоятда, унга кўз ортиба суяги синиши шаклидаги оғир шикаст етказилгани ҳақидаги кўрсатув берса-да, унинг бу важлари суд тиббий экспертизасининг 2023 йил 19 июлдаги, Б.Ахмадбековда ўнг орбита медиал ўрта ва пастки деворини ёпиқ синиши, юз соҳасини юмшоқ тўқимасини лат ейиши, ўнг кўз олмасига травматик қон қуйилиши, пастки лаб соҳасини юзаки лат еган яралари, ўнг жағ ва ўнг чап томондан 1 тишлари учки қисмидан травматик учиб синиши шаклидаги узок (21 кундан кўп) муддатга соғлиғини бузилишига олиб келган ўртача оғир шикастлар етказилгани кўрсатилган 2369-сонли хулосаси;

қайта суд тиббий экспертизасининг 2024 йил 12 февралдаги, Б.Ахмадбековда аниқланган ўнг кўз орбита медиал ўрта ва пастки деворини синиши натижасида кўз мушакларининг жароҳати ва кўз олмасини силжиши каби асоратлар умумий меҳнат қобилиятини 20 фоизга турғун йўқолишига олиб келиб, бу белги асосида ўрта оғирликдаги шикастлар тоифасига кириши кўрсатилган 92-сонли хулосаси билан рад этилади.

Ўзбекистон Республикаси суд-тиббий экспертиза илмий-амалий марказининг 2024 йил 1 апрелдаги 07/2024-сонли мутахассис фикрига кўра, Б.Ахмадбековда жароҳатдан кейинги юз ва кўз олмасини деформацион бузилишларини жарроҳлик усулларини қўлламасдан йўқолмайдиган ва уларни бартараф этиш учун жарроҳлик амалиёти талаб этиладиган жароҳатлар турига киришлиги ўтказилган экспертизаларда ойдинлаштирилмагани, натижада тананинг силлиқланмайдиган бадбурушлиги юзага келганлиги факти суд томонидан аниқланмай қолишига сабаб бўлгани кўрсатилган.

Кўшимча суд тиббий экспертизасининг 2024 йил 29 августдаги 54-сонли хулосасига кўра, Б.Ахмадбековга етказилган юз ва кўз олмасини деформацион бузилишлари жароҳатлари жарроҳлик амалиёти талаб қилиниши ва 2023 йил 14 сентябрда унга нисбатан ушбу жарроҳлик амалиёти ўтказилгани, суд-тиббий экспертиза илмий-амалий марказининг 2024 йил 1 апрелдаги 07/2024-сонли мутахассис фикри бу бир экспертнинг ўзининг фикри бўлиб, ўрганиб чиққан ҳужжатлари бўйича ўз фикрини билдириши, илмий асосланиши учун шу соҳа мутахассис фикри қўшилиши кераклиги кўрсатилган.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2007 йил 27 июндаги “Баданга қасддан шикаст етказишга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 6-сонли қарорининг 6-бандида, ЖК 104-моддасида кўрсатилган баданнинг тузалмайдиган даражада хунуклашиши деганда, жарроҳлик аралашувисиз бартараф этиб бўлмайдиган инсон қиёфасига ёқимсиз,



сескантирадиган кўриниш берувчи жароҳат тушунилиши лозимлиги, жароҳатларни хунуклаштирувчи деб топиш масаласи суднинг ваколатига тегишли бўлиб, у жамиятда мавжуд эстетик тасаввурлар нуқтаи назаридан келиб чиққан ҳолда ҳал этилиши ҳақида тушунтириш берилган.

Б.Ахмадбековга етказилган ўнг кўз орбита медиал ўрта ва пастки деворини синиши натижасида кўз мушакларининг жароҳати ва кўз олмасини силжиши каби жароҳатлар инсон қиёфасига ёқимсиз, сескантирадиган кўриниш берувчи жароҳатлар ҳисобланмайди.

Юқорида қайд этилганларга кўра, тафтиш судлов ҳайъати жабрланувчи Б.Ахмадбекорвнинг юқоридаги важларини ҳам ишончга сазовор бўлмаган важлар деб уларни танқидий баҳолашни лозим топади.

Ҳимоячи тафтиш шикоятда, жазони енгиллаштирувчи ҳолатларни инобатга олиб, Н.Мга озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинлашни сўраса-да, судлов ҳайъати қуйидагиларга кўра шикоят важлари билан келишмайди.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 7-моддасида, маҳкумга ахлоқан тузалиши, у ва бошқа шахсларнинг жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинланиши;

ЖПКнинг 455-моддасида, ҳукм айбдорга нисбатан жазо у содир этган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси ва унинг шахси эътиборга олиниб тайинланган бўлса, адолатли деб эътироф этилиши белгиланган.

Суд, судланган Н.Мга жазо тайинлашда, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги қарори 3-бандидаги Жиноят кодексининг 8,54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги ҳақидаги тушунтиришларига риоя қилиб, унинг айбига тўлиқ иқрорлиги, қилмишидан пушаймонлиги, оилавий аҳволини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлари сифатида инобатга олиб, жабрланувчининг қонуний чора кўриш ҳақидаги талаби ва зарар қопланмаганини эътироф этиб, жамиятдан ажратмаган ҳолда ахлоқан тузатиш мумкин эмас деган фикрга келиб, модда санкциясида кўрсатилган озодликдан маҳрум қилиш жазосини энг кам миқдорини тайинлаб, асосли хулосага келгани сабабли шикоят важлари билан келишиб бўлмайди.

Суд томонидан Н.Мга нисбатан жазо у содир этган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси ва унинг шахси эътиборга олиниб, тури ва миқдори жиҳатдан меъёрида тайинланиб, бу билан жазолашдан кўзланган мақсадга эришилади.

Шу сабабли, судлов ҳайъати Н.Мга оид суд ҳукмини ўзгаришсиз, тафтиш шикоятларини эса қаноатлантirmасдан қолдиришни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 521<sup>4</sup> ва 521<sup>6</sup>-моддаларига амал қилиб, судлов ҳайъати

А Ж Р И М Қ И Л Д И:



